



ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА БАХШИ ДОСТОНЧИЛИК САЪНАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Худойбердиев Н.

Термиз давлат университети

Муסיқа таълими кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: бахшичилик, халқ оғзаки ижоди, фолклор, этномаданият, достончилик мактаби, сурхон миллий чолғулари.

Ключевые слова: бахчилик, народное устное творчество, фольклор, этнокультура, школа сказительства, сурханские национальные забавы.

Key words: bakhchilik, folk oral creativity, folklore, ethnoculture, school of storytelling, Surkhan national pastimes.

Резюме:

Ушбу мақолада халқимиз миллий маданиятининг ноёб дурдоналарининг бой муסיкий мероси бўлган халқ оғзаки ижод маҳсули саналмиш сурхон этно фолклорининг бахшичилик ва достончилик йўналишидаги муסיкий анъаналарининг маънавий маданий ҳаётимиздаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган бўлиб, ўқувчиларга бахшичилик санъати динамикасини янада кучайтириш орқали уларнинг бахшичилик маҳоратини ўстириш, нозик дид эгаси этиб тарбиялаш ва юксак шинавандалик меъзонида ўлчанишини ёрқин ифода эта оладиган даражада вояга етказиш каби бир қатор вазифалар киритилган.

Резюме:

В данной статье представлена подробная информация о роли и значении музыкальных традиций сурханского этнофольклора, представляющего собой богатое музыкальное наследие уникальных шедевров национальной культуры нашего народа, в направлении бахши и эпоса в нашей духовно-культурной жизни. Жизнь включает в себя ряд задач, таких как воспитание человека до дегустатора и доведение его до возраста, когда он сможет ясно выражать то, что ему меряют высокие стандарты утонченности.

Summary:

This article provides detailed information about the role and importance of the musical traditions of Surkhan ethno-folklore, which is a rich musical heritage of the unique masterpieces of the national culture of our people, in the direction of bakhshi and epic in our spiritual and cultural life. A number of tasks are included, such as raising a person to be a taster and bringing him to an age where he can clearly express what he is measured by high standards of sophistication.

Олимларимиз муסיқа меросимизнинг шаклланиш даврини 4000 йилга тенг деб ҳисобламоқдалар. Ана шу узундан – узок йиллар, давомида муסיкий меросимиз икки йўналишда шаклланиб келиб, бир-бирига муштарак ҳолда



ривожланиб ўзига хос жозоба сифатларига эга бўлган мусиқий мерос ташкил топган. Шундай экан, ўзбек халқига мансуб бўлган бой мусиқий меросимиз жумладан сурхон этно фольклорининг бахши дostonчилик йўналишидаги мусиқий анъаналаримиз оғзаки ижод маҳсули сифатида шу кунгача халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Бу олижаноб мақсадга эришишда тўғри йўлга қўйилган тарбия катта аҳамиятга эгадир. Бизнинг таълим-тарбия тизимимиз ҳамма учун бир хил имкониятлар яратади ва ҳар бир кишида мавжуд бўлган иқтидор, қобилиятни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилади. Ўрта Осиёдан чиққан олим ва мутафаккирлар Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллоҳ Хоразмий X-XI асрлар Шарқ мусиқа илмининг шаклланишига ва ривожига асосий ва ҳал қилувчи ҳисса қўшганлар. Мусиқанинг келиб чиқишини турли афсоналар, диний ривоятлар билан боғламаган ҳолда илмий ёндашув билан шарҳлаган. Бу зотлар мусиқа илмини математиканинг таркибий қисми деб қараганлар ва улар яратган бу соф илмий йўналиш халафлар томонидан қабул қилинган. Хусусан, Сафийуддин Урмавий (1216-1294), Қутбиддин Шерозий (1236-1310), Абдулқодир Мароғий (XIV аср), Маҳмуд Омулий (вафоти 1349), Абдурахмон Жомий (1414-1492), Зайнулобидин Ҳусайний (XV аср), Нажмиддин Кавкабий (XVI аср), Дарвиш Али Чангий (XVII аср) каби Мусиқа маданий ҳаётимизда кенг ўрин тутган топади ва салобат бахш этиб уни кўркем қилади. Миллий маданиятимиз бо-бокалони Абу-Наср Ал-Фаробий эса мусиқанинг шахс шаклланишига аниқ таъсирини қуйидагича баён этади: «Бу фан шу маънода фойдалики, кимнинг феъл атвори мувозанатни йўқотган бўлса, тартибга келтиради, камол топмаганларни камолотга етказди ва мувозанатда бўлганларнинг мувозанатини сақлайди. Бу фан таннинг соғлиги учун ҳам фойдалидир». Шундай экан, ўзбек халқига мансуб бўлган бой мусиқий меросимиз жумлада сурхон этно фольклорининг бахшичилик ва дostonчилик йўналишидаги мусиқий анъаналаримиз оғзаки ижод маҳсули сифатида шу кунгача халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Миллатимизнинг маънавий юксалиб бораётганлиги жараёнида миллий қадариятларимизни қайта тиклаш, уни қалбдан ҳис этиш тарғибот қилиш, ёш авлод тарбиясида қўллаш каби ишларни бажариш ҳар бир устоз саяткорларнинг зиммасидаги катта масъулиятдир. Этно-фольклоримиз ёшларимиз қалбига ҳар тамонлама мукамаллик, ҳалоллик, камтарлик, яхшилик ва эзгуликни жойлаш аҳамият касб этади. Шу ўринда маънавий баркамол қилиб тарбияланишида бахши дostonчилик санъатининг роли ҳам алоҳида эга. Чунки, халқимизнинг менталитетига хос бўлган қадариятларни сақлаб қолиш, уни халқимиз мулкига айлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Аждодларимиз қолдирган бахши дostonчилик санъатидан ёшларни баҳраманд қилиш уларнинг интеллектуал имкониятларини янада кучайтириш, илм-фан ва маънавиятга бўлган интилишларини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни амалга ошириш асосий мақсадлардир.



XXI-асрда ижтимоий иқтисодий муносабатлар ривожда инсон ақл заковати ва маънавияти асосий мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи омил ва восита эканлиги тобора намоён бўлмоқда. Шунинг учун бугунги кунда халқимизнинг миллий ўзлигини англаш жараёни фаоллашиб бораётганлиги сабабли ёшларни маънавий-ахлоқий аҳамияти сезиларли даражада юзага чиқмоқда. Шу боис жамиятимиз тараққиёти учун янгича миллий руҳда фикрловчи шахснинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга.

Ақлий ва жисмоний ривожланишнинг гармоник қўшилишига ахлоқий софлик, санъатга ва ҳаётга эстетик муносабат - шахснинг тўлақонли камолга этишида муҳим шартлардир. Бу олижаноб мақсадга эришишда бахши дostonчилик тарбияси катта аҳамиятга эгадир. Халқимизда «Куш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Оиладаги ижобий муҳит, аъзоларининг ўзаро муносабатлари, бир-бирига бўлган ҳурмат ва эътибор, меҳрибонлик, ўзаро ёрдам ва уларнинг бахшичилик санъатига бўлган муносабатлари болаларда дастлабки тушунча ва кўникмаларнинг ривожланиб боришида асосий ўрин тутади. Зотан, ўқувчининг фаолияти жуда мароқли, ўзига хос гўзал ва шакл жиҳатидан ранг-барангдир. Бу хил фазилятлар болаларга хос бўлган доимий эҳтиёжга айлангандагина ёшларда намоён бўладиган илмий бадиий-эстетик тарбия муҳим маънавий гўзалликка пухта замин ҳозирлайди.

Бахшичилик санъати мураккаб психологик-физиологик жараён бўлиб, ёшларга ахлоқий тарбия беришнинг энг фаол шаклидир. Шундай экан, бахшичиликда инсон камолоти ва миллат руҳи яшайди. Ўзбек халқи этно-фольклорининг ўзига хос хусусиятлари миллатнинг раvнақ топишида ва шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Жумладан; этно-фольклор дурдоналари авлод-аждодаларимиздан ўтиб келганлиги чолғулар ва дostonларда ҳам ўз аксини топган. Ўзбек халқ этно-фольклори дostonчилиги минг йиллик тарихга эга булиб, Айниқса, «Қарлиқлар» худудида яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳамда ўтrock чорвадор қабилаларда дostonчилик санъати катта нуфузга эга бўлган ва йирик дostonларни яратганлар.

Adabiyotlar:

1. И. Жабборов «Ўзбек халқи этнографияси» Т-1994й.
2. М. Муродов, А. Эргашев. 1-китоб «Алпомишнома» (Сурхондарё талкинида) Т-1999й.
3. Choriyev, B. (2022). G'ijjak qobuz bas cholg'usining yaratilish tarixi va o'zbek musiqa ijrochiligida tutgan o'rni. Journal of Integrated Education and Research, 1(7), 34-37. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/573>
4. Choriyev, B. B. O. G. L. (2022). O'zbekistonda xalq cholg'ularining takomillashuv jarayonlari hamda ko'p ovozli orkestr va ansamblarning tashkil topishi. Science and Education, 3(4), 776-780.
5. Choriyev, B. (2021). Bolalar musiqa va san'at maktablari hamda umumiy o'rta ta'lim muaassasalari integratsiyasini ta'minlashning nazariy asoslari. In republican scientific conference modern education and upbringing problems, solues and perspective of development. Scienceweb-National database of scientific research of Uzbekistan.